



## DIRECTIONS FOR IMPROVING THE PREVENTION OF JUVENILE DELINQUENCY

**Khushvaktov Utkir Temirovich**

Independent Research Fellow of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18348524>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> January 2026

Accepted: 22<sup>nd</sup> January 2026

Online: 23<sup>rd</sup> January 2026

### KEYWORDS

Minors, delinquency, prevention, juvenile justice, social prevention, psychological and pedagogical mechanisms, legislation, institutional cooperation, modern prevention mechanisms, legal education.

### ABSTRACT

*This article examines modern mechanisms for the prevention of crimes committed by minors and explores ways to enhance their effectiveness. Risks in the social environment, including terrorism, religious extremism, illegal migration, human trafficking, and an increased propensity for delinquency among youth, necessitate the introduction of new preventive measures. The article analyzes integrated prevention mechanisms comprising legislative, psychological-pedagogical, social, and technological components. Additionally, it scrutinizes the Law of the Republic of Uzbekistan "On the Prevention of Neglect and Offenses among Minors" dated September 29, 2010, and proposes evidence-based recommendations and additional provisions for its improvement. The article aims to establish theoretical, legal, and practical foundations for the effective organization of juvenile delinquency prevention.*

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Хушвақтов Ўткир Темирович**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18348524>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> January 2026

Accepted: 22<sup>nd</sup> January 2026

Online: 23<sup>rd</sup> January 2026

### ABSTRACT

*Мақолада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг профилактикасига оид замонавий механизмлар таҳлили ва уларни такомиллаштириш йўналишлари ўрганилган. Ижтимоий муҳитдаги хавф-хатарлар, шу жумладан терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция ва одам савдоси, ёшлар орасида ҳуқуқбузарликка мойилликнинг ортиши профилактика соҳасида янги механизмларни жорий этишни тақозо қилади. Мақолада қонунчилик, психологик-педагогик, ижтимоий ва технологик таркиблардан ташкил топган*



## KEYWORDS

*Вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, профилактика, ювенал юстиция, ижтимоий профилактика, психологик-педагогик механизмлар, қонунчилик, институционал ҳамкорлик, замонавий профилактика механизмлари, ҳуқуқий тарбия.*

*интеграцияланган профилактика механизмлари таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва қўшимча нормалар таклиф этилади. Мақола вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасини самарали ташкил этишда назарий, ҳуқуқий ва амалий асосларни шакллантиришга қаратилган.*

Бугунги кунда ижтимоий муҳитда юзага келаётган замонавий хавф-хатар ва таҳдидларнинг кескин ортиши, жумладан халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг мавжудлиги (идеологик таъсир ва ёшлар радикаллашуви), ноқонуний миграция ва одам савдоси (вояга етмаган шахсларнинг етарли назорат ва қўллаб-қувватлашдан маҳрум бўлиши, шу орқали жиноятчиликка мойиллигининг ошиши), ҳамда ёшлар орасида халқимизга ёт ғоялар тарқалиши (хавfli мафкуравий муҳит) вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг ўсишида салбий ижтимоий-идеологик таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, маиший турмуш шароитида қасддан одам ўлдириш, қасддан бадана шикаст етказиш, ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик, безорилик, номусга тегиш, талончилик каби жиноятлар ҳамда уларнинг анъанавий тусда содир этилиши (девиант хулқнинг ижтимоий моделлари) вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликка мойилликни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Санаб ўтилган хавф-хатар ва таҳдидлар ички ишлар органлари олдига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасида янги вазибаларни белгилашни тақозо этмоқда. Шунингдек, ушбу ҳолатлар замонавий профилактика механизмларини яратиш ва амалиётга интеграция қилишни заруриятини оширмоқда, бу эса қонунчиликни ўзгартиришни, психо-педагогик методларни яратишни, ижтимоий ва технологик чора-тадбирлани ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Бундан ташқари, мазкур чора-тадбирлар ўзаро мувофиқлаштирилган тизимда қўллаш орқали вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари жиноятчиликка қарши курашишда асосий ва устувор субъект сифатида белгиланган. Ушбу органлар фаолиятида барча давлат идоралари, таълим муассасалари, болалар билан ишлашга масъул ижтимоий ва профилактика ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик “ҳаракатлар яқдиллиги”



принципи асосида амалга оширилади ва ушбу субъектлар ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган, тизимли ҳамда самарали фаолиятни таъминлайдиган аниқ амалий механизмларни жорий этишни назарда тутди. Амалиётда ушбу механизмлар вояга етмаганлар ўртасида кўпқиррали ҳамкорликни таъминлаш, профилактика ва жиноятчиликка қарши чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарали ташкил этишда замонавий ташкилий-ҳуқуқий ва амалий механизмларни ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарблигини аниқлаб берди. Шу асосда шаклланган илмий хулосалар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш, ваколатли давлат органлари ва ижтимоий институтлар ўртасида институционал ҳамкорликни такомиллаштириш ҳамда профилактика чора-тадбирларини амалий жиҳатдан самарали ташкил этиш бўйича аниқ тавсиялар ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш замонавий механизмлари борасидаги тадқиқотлар биринчи навбатда “механизм” сўзининг моҳиятини аниқлашни тақозо қилади.

Механизм атамаси бир нечта маъноларга эга. Биринчи навбатда, у техник жиҳатдан бир-бирига боғланган ҳаракатчан қисмлар жамлови сифатида тушунилади ва маълум куч таъсирида белгиланган ҳаракатларни бажарадиган қурилма ёки аппаратни ифодалайди (Картаслов). Шунингдек, “механизм” сўзи кенг маънода бирор жараён, система ёки функциянинг ички тузилиши, амал қилиш тартиби ва функциялашув усули/услугини кўрсатиш учун ҳам қўлланилади. Бу тушунча ижтимоий, ҳуқуқий ва ташкилотчилик соҳаларида жараёнлар ҳамда тартибларнинг таркибий элементлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги контекстида муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос З.А.Амиров тадқиқотларида ҳуқуқий тарбия механизмлари атрофлича ўрганилган ҳамда улар юзасидан таклифлар асослантирилган. Ушбу олимнинг тадқиқотларида қуйидаги мазкур йўналишдаги механизмлар қуйидагича тадрижий бўғинларни ажратиб кўрсатилган: 1) ижтимоий ҳуқуқий онг; 2) ҳуқуқ нормалари тизими; 3) ҳуқуқий тарбия шакллари ва воситалари; 4) ижтимоий ҳуқуқий онгдаги ғоялар билан тарбияланувчилар ҳуқуқий онгини бойитиш<sup>2</sup>.

Бошқа тадқиқотларда ҳуқуқий тарбия механизми ҳуқуқий тарбия тизимидан кенгроқ тушунча эканлиги ва ҳуқуқий тарбия механизмига берилган тушунчалардан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбия механизмининг таркибий қисмларини қуйидагича акс эттириш мумкин: биринчидан, ҳуқуқий тарбия

<sup>1</sup> Михайлов, А.А. Социальные механизмы регулирования общественных отношений. Москва, 2010. Ст.55.; Павлов, В.И. Организационные механизмы и управление. Санкт-Петербург, 2015. Ст.68.

<sup>2</sup> Амиров З.А., Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) Диссертация. –Т.: 2023. –Б.206.



субъектлари (давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва бошлиқлар); иккинчидан, ҳуқуқий тарбия объектлари (фуқаролар, шу жумладан ёшлар, мансабдор шахслар, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари ва бошқ.); учинчидан, ҳуқуқий тарбия мазмуни (ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ташвиқот); тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия шакллари (маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар); бешинчидан, ҳуқуқий тарбия усуллари (ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш); олтинчидан, ҳуқуқий тарбия воситалари (Интернет жаҳон ахборот тармоғи, турли мультимедиа маҳсулотлари, ОАВ ва бошқалар тарғибот воситалари)<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида белгиланган устувор давлат сиёсати йўналишлари, хусусан 2022–2026 йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» доирасида инсон ҳуқуқлари, шу жумладан вояга етмаган шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ҳамда оқибатларини бартараф этишга доир вазифалар алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, жамиятда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсиб бораётган тенденцияси, ушбу жиноятларнинг кўпинча ижтимоий ҳимояга муҳтож ва заиф қатламларга мансублиги ҳамда аҳолида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишга бўлган талабнинг ортиши вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикаси механизмларини мунтазам такомиллаштириб бориш заруратини янада долзарблаштирамоқда.

Юқоридаги ўрганишлар, шунингдек тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда амалга оширилган таҳлил натижалари асосида вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикаси механизмларини такомиллаштириш соҳасида қуйидаги асосий хулосалар ишлаб чиқилди:

а) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикаси механизмларини янада самарали ташкил этиш учун унинг назарий асослари чуқур таҳлил қилиниши ва замонавий илмий ёндошувлар асосида қайта ишлаб чиқилиши зарур. Бу, ўз навбатида, профилактика фаолиятининг методологик ва концептуал асосларини мустаҳкамлайди.

б) вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг кенг тарқалиши ва тенденцияларини ҳисобга олинган ҳолда, унга қарши самарали профилактик механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу механизмлар ҳуқуқий, психо-педагогик, ижтимоий ва технологиявий компонентларни ўз ичига олиши, ҳамда уларнинг ўзаро уйғунлиги профилактика самарадорлигини таъминлайди;

<sup>3</sup> Саидов А. Таджиханов У., Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.2. Масъул муҳаррир академик Ш.З.Ўразаев – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. –Б.49-50.Т.2.; Амиров З.А., Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) Диссертация. – Т.: 2023. –Б.206.



с) мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги бўшлиқларни бартараф этиш талаб этилади. Бу эса профилактика фаолиятида институционал ҳамкорлик ва ҳуқуқий механизмларни қўллаш кафолатларини мустаҳкамлайди.

д) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикаси замонавий талабларга мувофиқ амалга оширилиши учун инновацион профилактика механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга самарали жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу механизмлар замонавий педагогик, психологик ва ижтимоий ёндошувларга асосланиши, шу билан бирга профилактика фаолиятида аниқ мониторинг ва баҳолаш тизимини яратиш имконини беради.

Олиб борилган тадқиқот доирасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикасига доир назарий, ташкилий, ҳуқуқий ва методологик таъминлаш ҳолати, шунингдек, амалдаги қоидалар ва уларнинг бугунги ҳолати атрофича таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижаларига таянилган ҳолда, вояга етмаганлар жиноятчилигини профилактика қилиш механизмларини ўзаро уйғунликда такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланиб, уларни илмий асосда ривожлантириш мақсад қилинди.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикаси амалиёти ҳамда бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили шундан далолат берадики, ҳар қандай профилактика соҳадаги шу жумладан, вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг профилактикасидаги замонавий механизмлар энг аввало ушбу тоифа шахслар томонидан жиноятлар содир этилишини барвақт олдини олишга, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик реабилитациясини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг уйғунлашган тизимидир. Замонавий профилактика механизмлари анъанавий жазолаш ва тарбиявий усулларидан фарқли ўлароқ, шахснинг индивидуал ва ижтимоий муҳитига интеграцияланган ёндашувни назарда тутди<sup>4</sup>.

Мазкур механизмлар қонунчилик, психологик-педагогик, ижтимоий ва технологиявий таркиблардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ўзаро уйғунлиги профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини таъминлашда асосий аҳамиятга эга. Қонунчилик таркиби вояга етмаганлар ўртасида жиноятларни олдини олиш, ювенал ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқий жавобгарликка тортиш жараёнларини аниқлайди ва тартибга солади. Психологик-педагогик таркиб эса шахснинг индивидуал хусусиятлари ва ривожланиш даражасига мос таълим, тарбия ва психология ёрдамни ўз ичига олади, бу эса профилактика жараёнида шахсга мос ёндашувни таъминлайди. Ижтимоий таркиб оила, мактаб, маҳалла ва

<sup>4</sup> Effectiveness of Restorative Justice Principles in Juvenile Justice: A Meta-Analysis — Wilson, D.B.; Olgahere, A.; Kimbrell, C.S. (2017). P.145.; Адиллов Б.Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. *Том 3 № 10 (2023): Евразийский журнал академических исследований*. <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/21402/14313>; Шоназаров У. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар тушунчасининг назарий таҳлили.2021. file:///C:/Users/User/Downloads/Юриспруденция 2021\_39.pdf



жамоат институтлари орқали ёшларни ижтимоий муҳитга интеграция қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, профилактика самарадорлигини жамият даражасида оширади. Шунингдек, технологик таркиб электрон мониторинг, онлайн маслаҳатлар, ахборот-коммуникация воситалари ва бошқа инновацион воситалар орқали профилактика жараёнини самарали ташкил этишни таъминлайди, бу эса механизмнинг барча таркиблари ўртасидаги уйғунликни мустаҳкамлайди.

Юқорида таъкидланган таркиблар уйғунлигини таъминлаш орқали вояга етмаганлар жиноятчилигини камайтириш ва уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда психологик барқарорлигини шакллантиришда юқори самарага эришиш мумкин.

*Биринчи йўналиш*, қонунчиликда мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш. Вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикаси самарадорлигини оширишда асосий ва устувор йўналиш айнан қонунчилик механизмларини ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида вояга етмаган шахслар ҳуқуқбузарлигига оид алоҳида нормалар, шу жумладан ювенал юстицияни ташкил этиш ва профилактика чораларини қўллаш механизмлари белгиланган бўлса-да, амалиётда уларнинг самарадорлиги ва интеграцияланган қўлланилиши айрим ҳолатларда чекланганлиги кузатилади.

Қонунчиликда мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигига оид қонунчиликни модернизация қилиш яъни бу жараёнда амалдаги нормаларни замонавий ижтимоий ва психолого-педагогик таҳлиллар асосида қайта кўриб чиқиш, қонунларда профилактика чораларини кенгайтириш ва интеграцияланган ёндашувни мустаҳкамлаш зарур. Шунингдек судлар, прокуратура, ички ишлар органлари ва ижтимоий хизматлар фаолиятидаги ваколатлар аниқ белгиланиши ва мувофиқлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади<sup>5</sup>.

б) Ювенал судлар ва алтернатив санкциялар механизмларини ривожлантириш яъни бунда вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни судда кўриш жараёнида ресторатив ва диверсия механизмларини қўллаш, шунингдек, турли мажбурий ва таълимий чоралар учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш<sup>6</sup>.

в) Институционал ҳамкорликни қонуний асослаш яъни вояга етмаганлар профилактикасида барча ваколатли органлар, таълим муассасалари, маҳаллий жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қонунчилиқда аниқ белгиланиши, улар ўртасида ҳамоҳанглик ва “ҳаракатлар яқдиллиги” принципи асосида тизимли фаолиятни таъминлаш<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> Адиллов Б.Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. *Том 3 № 10 (2023): Евразийский журнал академических исследований*. <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/21402/14313>

<sup>6</sup> Wilson, H., et al. *Restorative Justice for Juvenile Offenders: Legal Frameworks and Implementation*. – London: Routledge, 2017. – P. 78–85.

<sup>7</sup> Таштемиров, К., Курчибоев, Ж. Вояга етмаганлар профилактикасида институционал ҳамкорлик ва қонунчилик асослари. – Тошкент: Институт нашри, 2024. – Б. 33–40.



г) Қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида халқаро хусусан АҚШ, Корея, Япония ва Хитой тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасида профилактик тадбирлар, ҳуқуқий тарбия ва реабилитация механизмларини қонунчилик асосида таъминлаш масаласи долзарб алоҳида аҳамият касб этади<sup>8</sup>.

Умуман олганда, қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикасини замонавий талабларга мувофиқлаштириш ва профилактик тадбирларнинг самарадорлигини оширишда энг устувор йўналишлардан бири саналади. Хусусан:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида белгиланган вазифалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий, базавий йўналишларини қамраб олади, яъни профилактика тизимининг асосий мақсади, вазифалари ва вазифадор субъектларининг умумий йўналишини белгилайди. Ушбу вазифалар назарий жиҳатдан тўғри ва етарли ҳисобланади, аммо замонавий профилактика талаблари, халқаро тажриба, хавфсизликнинг инновацион механизмлари ва ювенал юстиция принципларидан келиб чиқиб, ушбу вазифалар таснифланиши, кенгайтирилиши ва аниқлаштирилиши зарур.

*Қонуннинг 4-моддасида белгиланган вазифалари етарли эмаслиги қуйидаги жиҳатларда кўринади:*

халқаро тажрибада (БМТ, ЮНИСЕФ, Европа Кенгаши) профилактиканинг uch darajasi – universal, selective, indicated prevention (умумий, селектив ва индикатив профилактика) белгиланган, қонунда бу йўналишлар акс этмаган;

профилактика фаолияти фақат хулқни тартибга солиш эмас, балки боланинг ижтимоийлашуви, таълим, психологик ёрдам, рақамли хавфсизлик, онлайн ҳуқуқбузарликлардан ҳимояни ҳам қамраб олиши керак (амалда бу йўналишлар йўқ);

қонуний вазифаларда субъектлар ўртасида институционал ҳамкорлик, рақамли профилактика технологиялари, хавфни баҳолаш (risk assessment), ресторатив адолат тизими каби замонавий механизмлар мақомга эга эмас;

ювенал юстиция (алоҳида судлар, медиатсия, пробация, диверсия) низоми қонун вазифалари мазмунида аниқ белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасини қуйидаги қўшимча бандлар билан тўлдириш тавсия этилади:

– “вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, назоратсизлик ва қаровсизликнинг профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш”;

<sup>8</sup> Babahanov, A., & Davlatov, S. Juvenile Delinquency Prevention: International and National Practices. – Tashkent: Science Press, 2025. – P. 102–110.



– “вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимолини аниқловчи ижтимоий, психологик, таълим ва оиладаги хавф омилларни баҳолаш”;

– “вояга етмаганларни рақамли хавфсизлигини таъминлаш, уларда медиасаводхонлик ва ахборот маданиятини шакллантириш”.

2) Қонунинг 7-моддаси матни ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, унда аниқ ҳуқуқий коллизия (ҳуқуқ нормалари ўртасида зиддият) кузатилмайди, аммо такрорланиш, тушунмовчилик ва амалиётда талқин қилишда муаммолар келтириб чиқариши мумкин бўлган мунозарали ҳолатлар мавжуд. Бу ҳолатлар ҳуқуқий техника нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий коллизия эмас, балки ҳуқуқий-техник муаммо ҳисобланади.

*Биринчидан*, мавжуд муаммолар бир хил норманинг икки марта такрорланишида намоён бўлади.

Модданинг биринчи қисмида: ресторан, кафе, клуб, кинотеатр, интернет-зал каби жойларда бўлишига йўл қўймаслик вазифаси белгиланган. Иккинчи қисмида эса айнан шу норманинг такрори келтирилган, фақатгина “тунги вақтда” деган қўшимча билан.

Бу айрим ҳолларда тушунмовчиликка сабаб бўлади: а) биринчи бандида умуман вақтга боғланмаган тақиқ белгиланган; б) иккинчи бандида эса фақат тунги вақтда ота-она кузатувисиз бўлишга йўл қўймаслик вазифаси белгиланган.

Савол туғилади: Агар тунги вақтда ота-она қатнашса, вояга етмаганларга бу жойларда бўлиш мумкинми? Ушбу савол бўйича таҳлилга асосланган жавоб берилса; а) норманинг биринчи қисмига кўра умуман мумкин эмас; б) иккинчи қисмига кўра тунги вақтда ота-она ёки улардан бири иштирок этса, мумкин бўлиши мумкин.

*Иккинчидан*, “Бошқа кўнгилочар жойлар” тушунчаси ноаниқ ҳуқуқий атама бўлиб, назария ва амалиётда бахсли ҳолатларни юзага келтиради.

Моддада “бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойлар” деган тушунча қўлланилган, бу ҳуқуқий доктринада “ноаниқ ҳуқуқий категория” ҳисобланади.

Мазкур тушунчага: а) парк; б) савдо марказлари; в) караоке; г) бильярд зали; д) боулинг маркази кабилар кириши ёки кирмаслиги ноаниқ бўлиб қолган. Бу эса амалиётда талқинда мураккаблик келтириб чиқаради.

*Учинчидан*, “Тунги вақт” тушунчаси аниқ белгиланмаган

Моддада “тунги вақт” деган ҳуқуқий термин қўлланилган, лекин унинг аниқ соат чегараси кўрсатилмаган (масалан: 22:00–06:00).

Агар бошқа қонунларда бу тушунча белгиланмаган бўлса, у ҳолда моддада ҳуқуқий бўшлиқ (пробел в праве) юзага келади.

Таҳлилларга асосланиб таъкидлаш жоизки, 7-модда матни тўғридан-тўғри ҳуқуқий коллизияни келтириб чиқармаса-да, унда ҳуқуқий техника талабларига тўлиқ риоя этилмаганлиги, айрим нормалар такрорланганлиги, ноаниқ ҳуқуқий тушунчалар мавжудлиги ва амалиётда талқин қилишда муаммолар келтириб чиқариши мумкинлиги қайд этилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва



ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасини қуйидаги қўшимча бандлар билан тўлдириш *тавсия этилади*:

“7-модда. Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этиши.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий, интеллектуал ривожланиши, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, унинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий хавfli вазиятларга йўл қўймаслик бўйича зарур чора-тадбирларни қўришга мажбурдир.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг қуйидаги ҳолатларда бўлишига йўл қўймаслиги шарт:

ресторанлар, кафелар, барлар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет-кафе ва бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда таълим, маданий-маърифий ёки қонунчиликда белгиланган тадбирларда қатнашиш ҳолатларидан ташқари бўлган вақтда;

ушбу жойларда ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирокисиз тунги вақтда (22:00 дан 06:00 гача) бўлиши;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, электрон тамаки маҳсулотлари, никотин истеъмолига мўлжалланган воситалар ва бошқа ақл-ирода фаолиятига таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиши ёки чекиши;

ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишига шароит яратилиши.

Мазкур модданинг иккинчи қисмида қайд этилган “кўнгилочар (дам олиш) жойлар” деганда шахсларнинг маданий, интерактив, овқатланиш, компьютер, виртуал, спорт, ўйин-кулги, қимор ёки бошқа турдаги ҳордиқ чиқариш фаолияти учун мўлжалланган маҳсус жой, хизмат кўрсатиш объекти ёки электрон муҳити тушунилади.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ушбу моддада белгиланган мажбуриятларни бажармаслиги ҳолати қонунчиликка мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.”

3) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннига 24<sup>1</sup>-модда ва 24<sup>2</sup>-модда билан тўлдириш таклиф этилади.

**“24<sup>1</sup>-модда. Вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий профилактика тушунчаси.**

Вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий профилактика бу вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик, назоратсизлик ва қаровсизлик ҳолатларига тушиб қолишларини олдини олишга қаратилган, жамият, оила, таълим муассасалари, маҳалла ва давлат органлари томонидан амалга ошириладиган тизимли, мақсадли ва комплекс ижтимоий-ташкилий чора-тадбирлар мажмуасидир”.



## **“24<sup>2</sup>-модда. Вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий профилактика чоратадбирлари.**

оилада соғлом психологик муҳитни шакллантириш, боланинг тарбиясида масъулиятни ошириш, муаммоли оилаларни ижтимоий ёрдам билан таъминлаш;

муаммоли ва ижтимоий хавфли ҳолатдаги оилаларни аниқлаш ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш;

умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида тарбиявий ишларни кучайтириш, профилактик суҳбатлар, ҳуқуқий саводхонлик дарслари ва ижтимоий-ахлоқий тренинглари ташкил этиш;

маҳалла еттилиги, ёшлар ишлари агентлиги, ННТ ва бошқа жамоат тузилмалари иштирокида вояга етмаганлар учун соғлом турмуш тарзи, бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, спорт ва маданий тадбирларни ташкил қилиш;

вояга етмаганлар ва уларнинг оилаларига психологик, ҳуқуқий, тиббий, педагогик ҳамда моддий ёрдам кўрсатиш;

“Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” платформалари орқали муаммоли болалар ва оилаларга кўмаклашиш;

Психолог, социолог, педагог ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида индивидуал реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш;

оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ёшларда ҳуқуқий маданият, кенг жамоатчиликда эса профилактикага нисбатан ижобий муносабат ва фаол иштирокни шакллантириш.

Умуман олганда мазкур нормани қабул қилиниши ижтимоий профилактика чоралари орқали нафақат айрим шахсларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишини олдини олишга, балки ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, ёшларнинг соғлом ижтимоий адаптациясини таъминлаш ва уларда масъулиятли фуқаролик позициясини шакллантиришга йўналтирилган тизимли профилактик механизмини ҳаракатга килишига хизмат қилади.